

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАҲЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Тарих факультети**

**Миллий ғоя ва ҳуқуқ маҳнавият асослари йўналиши  
12.142-гуруҳ талабаси**

**Раимова Гулноза**

**" ШАХС ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ"**

мавзусида тайёрлаган

*РЕФЕРАТ*

**Илмий раҳбар: катта ўқитувчи Х.Ғаниева**

ФАРҒОНА- 2012

## МАВЗУ. ШАХС ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ

- Режа: 1. Психологияда шахс тушунчаси  
2. Шахс, индивиду, индивидуаллик тушунчалари.  
3. Шахс тузилишида биологик ва ижтимоий омиллар.  
4. Шахснинг тузилиши.

Индивид, шахс, индивидуаллик, экзопсихика, эндопсихика, интериндивид, интроиндивид, метаиндивид.

Дарснинг мақсади: Талабаларга шахс тушунчаси, унинг тузилишида биологик ва ижтимоий омиллар, шахс тузилишининг уч таркибий қисми ҳақида билимлар бериш.

Муаммо:  
Шахс тушунчасини қандай тушунасиз? У қандай тузилишга эга

Муаммоли вазият: Психологиянинг предметини шахс таҳлил этади. Психологияда шахс тушунчасининг моъияти қандай? Шахс қандй тузилишга эга?

Меҳнат туфайли ҳайвонот олаmidан ажралиб чиққан ва жамиятда ривож топаётган, бошқа одамлар билан биргаликдаги фаолиятни амалга ошираётган ва улар билан муносабатга киришаётган киши секин-аста шахсга айланиб бормоқда - моддий дунёни, жамиятни ва хусусан ўзини ўрганиш ва фаол тарзда қайта ўзгартириш субоектига айланмоқда. Одам дунёга одам бўлиб келади. Бу таокид юзаки қарагандагина исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат бўиб ва такрорланавериб сийқаси чиқиб кетган ибора бўлиб туюлади. Гап шундаки, бу ўринда хусусан инсоний белгилар ва фазилатларнинг ривожлантирилиши учун табиий шарт-шароитлар пайдо бўлиши генетик жиҳатдан олдиндан белгилаб қўйилганлиги таҳкидланади. Дунёга келаётган чақалоқнинг гавда тузилиши ўнда тик юриш учун имкониятнинг мавжудлигини тақозо этса, миясининг тузилиши акли-хушининг ривожланиши учун имконият туъдиради, кўлларининг шакл-тамоийли меҳнат қуролларидан фойдаланиш истиқболининг мавжудлигини кўрсатади ва хоказо. Булар билан чақалоқ ўз имкониятлари йиьиндисига биноан одам ҳар қандап ҳолатда ҳам бу хилдаги фазилатлар йигиндисининг соҳибига айлапа олмайдиган ҳайвон боласидан фарқ қилади.

**Ёдда тутинг:** Шундай қилиб, юқорида айтилганлар орқали чақалоқнинг инсон зотига мансублиги тасдиқланади ва бу факт *индиеид* тушунчасида қайд этилади бундан фарқли ўлароқ, ҳайвон боласи дунёга келиши биланоқ ва ҳаётининг охирига қадар жонзот деб юритилади

«Индивид» тушунчасида кишининг насл-насаби ҳам мужассамлашгандир. Янги туьилган чақалоқни ҳам, катта ёшдаги одамни ҳам, мутафаккирни ҳам, акли заиф овсарни ҳам, ёввойилик босқичидаги қабиланинг вакилини ҳам, маданиятли мамлакатда яшаётган юксак билимли кишини ҳам индивид деб ҳисоблаш мумкин.

Шундай қилиб, аниқ кишини индивид деб атаганда биз жуда кўп нарсаларни айтган бўламиз. Аслини олганда, бу билзн унинг потенциал равишда инсон эканлиги айтилгандир.

Унинг бундан кейинги ва ҳатто жуда ҳам умумий тарздаги таҳрифи фазилатларининг баён этилиши ва изоҳланишини тақозо қилади. Бундай фазилатларсиз у

фақат бошқаларга ўхшамайдиган эмас, балки улар каби ҳаракат қилмайдиган, фикрламайдиган, изтироб ҳам чекмайдиган, жамият аозоси сифатида, тарихий жараёнинг иштирокчиси сифатида социал алоқаларга жалб ҳам этилиган реал киши эмас, балки демографик маолумотномалардаги жонсиз бирлик ҳолида қолади, ҳолос.

**Эслаб қолинг:** Индивид сифатида дунёга келган киши алоҳида *социал фазилат* кашф этади, шахс бўлиб етишади.

Индивид ҳали болалигидаёқ тарихан таркиб топган ижтимоий муносабатлар системасига жалб этилади. У бу системани аллақачан тапёр ҳолда учрагади. Кишининг жамиятдаги бундан кейинги ривожланиши муносабатларнинг шу қадар чигалликларини вужудга келтирадики, бу ҳол уни шахс сифатида шакллантиради психологияда индивид томонидан амалий фаолият ва муносабат жараёнида ҳосил қилинадиган ҳамда ижтимоий муносабатларнинг индивидга таҳсир ўтказиш даражаси ва сифатини белгилайдиган системали тарздаги социал фазилат шахс тушунчаси билан ифода этилади.

Индивиднинг алоҳида социал фазилати сифатидаги шахс-нинг ўзи нима? Энг аввало, агар биз шахс индивиднинг фазилати эканлигини тан оладиган бўлсак, бу билан биз индивид ва шахснинг бирлигини тасдиқлаган ва айни пайтда бу тушунчаларнинг бир-бирига ўхшашлигини инкор этган бўламиз (мисол учун, ёруьликни сезувчанлик фотопленканинг хусусияти ҳисобланади, лекин фотопленка-бу ёруьликни сезувчанлик, экн ёруьликни сезувчанлик - бу фотопленка деган маҳнони англамайди). «Шахс» ва «индивид» тушунчаларининг бир-бирига ўхшашлигини барча етакчи психологлари - *Б.Г.Ананьев, А.Н.Леонтьев, Б.Ф.Ломов, С.Л.Рубинштейн* ва бошқалар инкор этишади. «Шахсий индивид; бу жамиятда индивид жалб этиладиган ва ўз моҳиятига кўра ижтимоий ҳисобланган муносабатларнинг бутун бир йиғиндиси ичида индивид томонидан эгаллаб олиннадиган алоҳида фазилат, шу муносабатлар «тўлқини»- шахснинг моҳияти, демакдир... гарчи тамомила сезгир, жисмий индивид ўзининг барча туъма ва ҳосил қилинган хусусиятлари билан «байри-ҳиссий» фазилатлар соҳиби бўлса ҳам шахс -системали тарздаги ва шунинг учун ҳам «байри ҳиссий» фазилат ҳисобланади.

Шундай қилиб, шахс социал фазилатни тавсифлаб бера оладиган алоҳида таорифга муҳтождир. Энг аввало, нима сабабдан шахс ҳақида индивиднинг «байриҳиссий» фазилати тўрисида гапирилгандек галириш иумкин эканлигига аниқлик киритиш керак (системали тарзда ва шунинг учун ҳам «байри-ҳиссий»дир). Ўз-ўзидан равшанки, индивид тамомила ҳиссий (яони сезги аозолари ёрдамида идрок этиладиган) хусусиятларга-жисмийликка, индивидуал хулқ-атвор, нутқ, имо-ишора ва бошқа хусусиятларга эгадир.

Социал муносабатлар системасини ўзида мужассамлаштириш субъект бўлиш деган маонони англатади. Катта ёшдаги кишилар биланўзаро муносабатларга жалб этилган бола даставвал улар фаоллиги объекти тарзида, лекин унга катта ёшдагилар унинг ривожланишидаги етакчи омил сифатида тавсия қиладиган ўша фаолият таркибини эгаллаган, масалан, таҳлим олган ҳолда иш кўради, ўз навбатида ана шу ўзаро муносабатларнинг субобектига айланади.

Ижтимоий муносабатлар улар субобектининг аллақандай ташқи моҳияти эмас, балки индивиднинг социал фазилати тар-зидаги шахснинг бир қисми, йўналиши, жиҳати сифатида намоён бўлади.

Агар бошқа барча жонли мавжудотлардан фарқли ўларок, инсон насл-насабининг моҳияти барча ижтимоий муносабатлар мажмуидаи иборатбўлса, у ҳолда ҳар бир аниқ кишининг моҳияти, яҳни шахс тарзидаги алоҳида индивидга хос абстракт субобект сифатида у жалб этиладиган аниқ социал боьланишлар ва муносабатлар мажмуасини ташкил этади. Улар, ўша боьланишлар ва муносабатлар, ундан ташқаридадир, яони ижтимоий ҳаётдир ва шунинг учун ҳам шахсиз, ҳам обобективдир (қул қулдорга

батамом қарамдир) еа шу билан бирга улар шахс сифатида унинг ичкарасида, унинг ўзида мужассамдир ва шунга кўра субобективдир (у кулдорни ёмон кўради, унга итоат қилади ёки унга қарши исён кўтаради, умуман унга нисбатан муносабат билдиради, у билан социал жихатдан тақозо этиладиган алоқалар ўрнатади).

«Индивид» ва «шахс» тушунчаларининг ўхшашлиги эмас, балки бирлиги ҳақидаги фикр қуйидагича тарзда ўртага қўйилиши мумкин бўлган саволга жавоб берилишини тақозо қилади: шахс бўлиб ҳисобланмаган индивиднинг мавжуд бўлиши ёки аксинча индивиднинг аниқ соҳиби сифатида ундан ташқарида ва усиз мавжуд бўлиш факти кўрсатилиши мумкинми? Тахминий тарзда фикр юритилган тақдирда униси ҳам ва буниси ҳам бўлиши мумкин. Агар кишилик жамиятидан ташқарида вояга етган индивидни ҳаёлан тасаввур қилинадиган бўлса, бу ҳолда у биринчи бор одамларга дуч келиб, биологик жонзотга хос индивидуал хусусиятлардан бўлак ҳеч қандай, юқорида айтилганидск, келиб чиқиши жихатидан ҳамиша ижтимоий-тарихий характер касб этадиган шахсий фазилатларга эга эканлигини намоён қила олмайди балки теваарак-атрофдаги одамлар мабодо унн биргаликдаги фаолият ва муносабат жараёнига «торта олишган» тақдирда уларнинг пайдо бўлиши учун зарур табиий шарт-шароитларгагина эга бўлади. Ҳайвонлар орасида тарбияланган болалар тажрибасини ўрганиш бу вазифани амалга оширишнинг боёт даражада мураккаблигидаи далолат беради. Қаршимизда ҳали шахс сифатида камолатга эришмаган индивид бўлади. Реал индивидни гавдалантирмайдиган шахснинг пайдо бўлиш имкониятлари мавжудлиги муайян истиснолар билан тан олиниши ҳам мумкин.

«Шахссиз индивид» ёки «индивидсиз шахс» вазиятига мурожаат қилиниши шахс ва индивиднинг бирлиги ва айнан бир хил эмаслиги проблемасинн тушуниб етиш учун фойдадан ҳоли бўлмаган ҳаёлий экспериментдир.

«Индивид» ва «шахс» тушунчаларининг бир-бирига мос келмаслиги ва айнан ўхшаш эмаслиги фактидан шу нарса аёнки, шахс тушунчаси биргаликдаги фаолиятнинг ҳар бир иштирокчиси учун ушбу фаолиятнинг мазмуни, қадриятлари ва моҳияти орқали намоён бўладиган шахслараро барқарор боьланишлар системасидагина англанилиши мумкин. Бундай шахслараро алоқалар реалдир, лекин улар табиатан «байриҳиссий»дир. Улар жамоага кирадиган одамларнинг аниқ индивидуал хусусиятлари ва хатти-ҳаракатларида намоён бўлади, лекин уларнинг сабабчиси бўла олмайди. Улар ҳар бир индивидлараро алоқалар системасида ва ундан кенгроқ миқёсда - ижтимоий муносабатлар системасида эгаллайдиган алоҳида мавқеини белгилаб берадиган ана шу шахсий ҳислатларини намоён қиладиган гуруҳ шаклидаги ўша фаолиятнинг алоҳида фазилатини ташкил этади.

Шахсни жамоада шакллантирадиган шахслараро алоқалар, ташқаридан қараганда, аниқ фаолиятга хос муносабат ёки субобект - субобект муносабати қабилида ёнмаён мавжуд бўлган субобект-обобект муносабати шаклида юзага чиқади. Лекин билвосита намоён бўлиш моменти, факти фақат аниқ фаолиятнинг эмас, балки муносабатнинг ҳам энг муҳим таркибий қисми бўлиб қолади. Чуқурроқ ёндашиладиган бўлса, бевосита субобект-субобект алоқаси шунчаки ўзича мавжуд бўлишдан кўра кўпроқ аллақандай обхектлар (моддий ёки ҳаёлий обобектлар) воситасида намоён бўлиши аниқланади. Бу индивиднинг бошқа индивидга муносабати фаолият обобекти (субобект - обобект - субобект) орқали намоён бўлади, демакдир:

ШЗ навбатида индивиднинг аниқ фаолиятига оид тўьридан-тўьри иши бўлиб кўринган нарса аслида билвоситалик ҳосиласи ҳисобланади. Бунинг устига шахс учун билвосита ифодаланиш бўьини эндиликда фаолият обобекти ҳам эмас, унинг аниқ моҳияти ҳам эмас, балки фаолиятда биргаликда иштирок этаётган бошқа бир кишининг шахси ҳисобланадики, у бамисоли фаолият обобектини яхшироқ идрок этиш, англаб олиш, ҳис қилиш мумкин бўлган нурнинг аксини синдириб қайтарадиган ускуна сифатида хизмат қилади. Узимни безовта қилаётган саволга жавоб топиш учун мен бошқа бировга мурожаат қиламан.

Айтилганларнинг ҳаммаси шахсни фаолиятда ва муносабатда таркиб топадиган индивидлараро (субъект - объект - субъектлараро ва субъект - субъект - объектлараро) муносабагларнинг нисбатан барқарор системаси субъекти сифатида англаб етиш имконини беради.

Ҳар бир кишининг шахси унинг индивидуаллигини вужудга келтирадиган хислатлар ва фазилатларнинг фақат унга хос бирикувидан таркиб топгандир.

**Эотибор беринг:** Индивидуаллик -кишининг ўзига хослигини, унинг бошқа одамлардан фарқини акс эттирувчи психологик фазилатлар бирикмасидир.

Индивидуаллик темперамент ва характер хусусиятларда, одатларда, устун даражадаги қизиқишларда, билиш жараёнларига оид фазилатлар (идрок, хотира, тафаккур, тасаввур)да, қобилиятларда, фаолиятнинг шахсга хос услубда ва ҳоказоларда намоён бўлади. Зикр этилган психологик хусусиятларнинг бир хилдаги бирикмасини ўзида мужассамлаштирган одам йўқ-инсон шахси ўз индивидуаллиги жиҳатидан бетакрордир.

«Индивид» ва «шахс» тушунчалари бир-бирига ўхшаш бўлмагани сингари, ўз навбатида, шахс ва индивидуаллик ҳат бирликни ташкил қилади, лекин улар бир-бирига ўхшаш эмасдир. Кишининг катта сонларни «ичида» жуда тез қўша олиш ва кўпантириш каби қобилияти, эпчиллиги ва қатҳиятлилиги, ўйчанлиги, тирноқларини тишлаш одати, бўлар-бўлмасга кулавериши ва бошқа хислатлари унинг индивидуаллиги белгиси сифатида намоён бўлади, лекин булар биргина фаолият ва муносабатнинг ана шундай белгиларга эга бўлган индивид кирган гуруҳ учун муҳим ҳисобланган (Шаклларида мавжуд бўлмаслиги мумкинлиги важдан ҳам унинг шахсига бериладиган таҳрифга муқаррар тарзда кирмайди. Агар индивидуаллик белгилари шахслараро муносабатлар системасида ифодаланмаган бўлса, у ҳолда индивид шахсига баҳо беришда муҳим аҳамият касб этмайди ва ривожланиш учун шарт-шароитларга эга бўлолмайди. Муайян социал бирлик учун етакчи фаолиятга кўпроқ даражада «жалб қилинган» индивидуал фазилатларгина шахснинг хусусан ўзига хос фазилатлари сифатида юзага чиқади. Мисол учун эпчиллик ва қатҳийлик ўспириннинг индивидуаллиги белгилари бўлган ҳолда, жумладан, у спортда район биринчилигига даҳвогар командага қўшилмагунга қадар, ёки узоқ жойларга туристик саёҳат пайтида у тезоқар ва муздек дарёдан ксчиб ўтилишини таоминлаш вазифасини ўз зиммасига олмагунга қадар унинг шахсий таорифлайдиган белги сифатида юзага чиқмасдан келди. Кишининг индивидуал хусусиятлари уларга шахс сифатида мазкур киши субъект ҳисобланган шахслараро муносабатлар системасида зарурат туьилгунча маҳлум бир вақтга қадар «соқов»лигича қолиб кетади.

Шундай қилиб, индивидуаллик инсон шахсига хос фазилатларнинг фақат битта жнҳати бўлиб ҳисобланади, холос.

Айнан шу сабабли ҳам педагогичун аҳамиятли бўлган ўқувчига индивидуал ёндашишни амалга ошириш вазифасини ажратиб кўрсатиш керак. Бу эса ўқувчининг дифференциал-психологик хусусиятлари (хотираси, диққат! темпераменти типи, у ёки бу қобилиятларининг ривожланганлиги ва ҳоказолар)ни ҳисобга олишни, яони ўқувчиниинг ўз тенгдошларидан нимаси билан фарқ қилиши ва шу муносабат билан тарбиявий ишни қандай ташкил этиш кераклигини аниқлашни тақозо этади. Шу билан бирга индивидуал ёндашув ўқувчига бирмунча умумип, шахсий ёндашувнинг бир жиҳати эканлигини унутмаслик керак. Уқувчига шахсий ёндошиш ўспириннинг, ёхуд ёш йигитча, ё қизнинг катта ёшдаги кишилар билан, ўқитувчилар ва ота-оналар билан, ҳар иккала жинсдаги ўз тенгдошлари билан, бирга ўқилдиган болалар, кўчадаги ошнолари ва бошқалар билан индивидлараро муносабатлар системасига жалб этилиши шарт-шароитлари ва ҳолатларини ўрганиш асосида таркиб топади. Шқувчилар билан ўқитувчи ўртасида яхши йўлга қўйилган педагогик муносабат жараёнидагина ўқитувчи у ёки бу боланинг синф

жамоасига қанчалик «кўшилиб кетгани»ни, улар индивидлараро муносабатлар иерархиясида қандай ўрин эгаллашини, уларнинг у ёки бу тарзда иш тутишларига сабаб нималигини, жамоага жипслашиб кетган ёки унда умуман мослаша олмаган ўқувчи шахсида қандай ўзгаришлар юз бераётганини аниқлаб олади. Шқувчи шахсига нисбатан унинг муносабатлари системаси субъекти сифатидаги ёндашув ҳам айнан ана шундай шарт-шароитларда рўй беради. Уқувчининг тафаккури, иродаси, хотираси, хистуйъуларининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш билангина чекланмасдан, балки индивиднинг жамоадаги ва жамоанинг эса унинг шахсидаги мавқеини аниқлашга йўналтирилган ёндашувгина инсоннинг социал боъланишлар системасининг шахсда намоён бўлиши сифатидаги моҳиятини марксчасига англаб олишга мос келадиган шахсий ёндашув тарзида талқин қилиниши мумкин, жамоа ўқув фаолияти ва шунингдек, ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадасида меҳнат қилишда иштирок этиш шахсий ёндашувни амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитлар яратади.

«Шахс» ва «индивидуаллик» тушунчалари қанчалик даражада бирликдан иборат бўлганига қарамай, бир-бирига мос келмаслигининг ўзи ҳам шахснинг тузилишини кишининг индивидуал-психологик ҳислатлари ва фазилатларидан таркиб топадиган аллақандай шакл сифатида тасаввур қилиш имкониятини бермайди. «Шахс» ва «индивидуаллик» тушунчалари (худди «индивид» ва «шахс» тушунчалари сингари) айнан бир-бирига ўхшайди, деб тан олинadиган ва шахсга табиатан ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида, индивиднинг системаси тарзидаги социал фазилат сифатида қаралadиган Барб психология фанининг номарксистик йўналишларида шахс билан индивидуалликнинг структураси (яони тузилиши, ташкил топиши) бир-бирига тамомила мослиги тан олинади. Бундай психологик мактаблар ва йўналишларнинг вакиллари индивидуалликнинг тузилиши аниқ таорифлаб берилса бас, бу кишининг шахсини тўлалигича ўз ичига олади ва таорифлаб беради, деган нуқтаи назарни илгари суришади. Жумладан, психологлар махсус шахсий сўроқномаларни қўллашади (булар синалувчининг ўзига, ўзининг индивидуал-шахсий фазилатларига ўзи баҳо беришини таклиф этадиган саволлардан ташкил топган ўзига хос анкеталардир). Улардаги жавоблар мазмунини таҳлил қилган ва сўроқ натижаларини математик амаллар воситасида қайта ишлаган ҳолда тадқиқотчи бирон бир ҳислатнинг (типнинг) ана шу ҳислатга мос келадиган даражасида намоён бўлишининг сонлар билан ифодаланадиган белгисига эга бўлади. Лекин бундай методлар ёрдамида нари борса кишининг индивидуаллиги тавсифланишини тасаввур қилиш мумкин. Бироқ киши жалб этилган ижтимоий муносабатларнинг «яҳлит бирлигида» шахсни ҳар томонлама тавсифлаб бўлмайди.

Ҳақиқатда эса, агар шахс ҳамиша ўзининг аниқ социал муҳити билан «ҳақиқий муносабатлари» субъекти сифатида намоён бўлиши инобатга олинadиган бўлса, «шахснинг тузилишига аниқ социал гуруҳлар ва жамоалар фаолияти ва муносабатида таркиб топадиган ана шу «ҳақиқий муносабатлар» ва алоқалар муқаррар тарзда киритилиши шарт. Сўроқномалар эса кишининг ўзига ҳали шаклланиб бўлмаган социал муҳит шароитидаги, «умуман мавҳум муҳитда»ги ҳолати бўйича берадиган баҳосига мўлжаллангандир. Шахснинг индивидлараро реал муносабатларидан иборат жиҳатини сўроқномаларда акс эттириб ва аниқлаб бўлмайди. Айтиб ўтилганидек, сўроқномалар шахснинг тузилишига умумий таориф бериш ҳуқуқига даовогарлик қилар экан, аслида индивидуалликни тавсифлашга, индивидуаллик ҳислатларининг унинг бир асосий белгилари (омиллари) атрофида ташкил бўлиш принципларини топишга уринишлар билан чекланади. Мажозий маонода айтганда, индивидуал-психологик ҳислатларнинг кенг «коллекцияси» ёрлиқлар тақиладиган («шизотимия - циклотимия», «интроверсия - экстрроверсия», «ҳиссиётлилик - вазминлик» ва ҳоказо) бир қанча «витриналарда» жойлаштирилади.

Жумладан, психологияда индивидуалликнинг кўпгина ҳислатлари-мослашувчанлик, тажовузкорлик, майиллик даражаси, ташвишланиш ва шулар қабилар аниқлангандир. Булар жамланиб индивиднинг ўзига хослигини кўрсатади. Бу психологик

ходисалар ўз моҳиятига кўра ўзаро муносабатда бўлиб, ошкора ёки ошкора бўлмаган ҳолда аллақандай муҳитнинг мавжудлигини тақозо этади. Шахс иптхн ана шундап муҳитга нисбатан мослашувчанлик, тажовузкорлик ташвишланиш ва ҳоказоларни намоён қилади. Бордию, агар одамларнинг индивидуал фазилатлари бу тадқиқотларда изчил, ўзгарувчан, ранг-баранг мазмунли тарзда намоён бўлса,- у ҳолда социал муҳит ўзгармайдиган, шаклланмаган (аморф), мазмуксиз, «умуман муҳит» сифатида тасаввур қилинади. Социал муҳитнинг «шахс-муҳит»дан иборат ўзаро муносабатига қиёсан анҳана бўлиб қолган меҳанистик тарзда талқин қилиниши муҳитни ё фаол шахснинг ўз куч-байратларини ишга соладиган майдон сифатида, схуд гуруҳ тарзида шахсга тазйик кўрсатувчи куч сифатида изоҳлайди. Шахснинг ва уни қуршаб турган социал муҳитнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракатининг фаол хусусияти тўғрисидаги тасаввур ьарб фанида на шахс психологиясининг назарий қисмлари тўқималарига ва на шахсни тадқиқ этишнинг психологик методларига киритилмагандир.

Лекин социал муҳитга нисбатан «умуман муҳитга» бўлгани каби ёндашув шахс яшайдиган, ҳаракат қиладиган ва ривожланадиган ҳамда социал жиҳатдан бир-бирига боьлик ўзаро муносабатлар системасига даҳли бўлмаган умуман шахс ҳақидаги назарий тасаввурни келтириб чиқарди. Барбнинг аноанавий шахс психологияси қурол қилиб олган барча шахсий сўроқномалар ўша шаклланмаган (аморф) социал муҳитга қараб тузилган бўлади.

Шу билан бирга аниқ социал гуруҳ шароитларида инднвидуал-психологик фазилатлар шахснинг унга ҳамиша ҳам мос келавермайдиган феол-атвори шаклида мавжуд бўлади. Кишининг индивидуаллиги биргаликдаги аниқ фаолият ва муносабатнинг гуруҳ ривожланишининг муайян даражаси учун характерли бўлган шароитларида жиддий равишда қайта ўзгаради. Бундай шаронтларда индивидуал-психологик хусусият шахсий фазилат, шахслараро муносабатнинг жиҳати сифатида ўзгаради. Бу гипотеза ҳозирги пайтда текширилган ва қатор аниқ илмий ишларда тасдиқланган.

Бир тадқиқотнинг вазифаси, жумладан, юқорида кўрсатилган гипотезани шахснинг ҳислати сифатидаги гапга кўниш (мослашувчанлик) одатига мослаб, шуннингдек бунда қарама-қарши ҳодисага гуруҳдаги шахслараро муносабатларнинг ҳодисаси сифатида жамоанинг ўзини ўзи белгилашига мослаб текширишдан иборат қилиб қўйилган эди. Гипотеза тажрибанинг қуйидагича тартибида аниқлаштирилди. Реал тарзда мавжуд бўлган бир қанча гуруҳлар гуруҳ тарзида ривожланишнинг ҳали уюшмаган гуруҳдан тортиб то жамоага қадар даражалар иерархиясини ҳосил қилади. Ҳар бир гуруҳда синалувчиларнинг учдан бир қисмига яқини, тажриба маҳлумотларига қараганда, гуруҳнинг уюшганлиги даражасига боьлик бўлмаган ҳолда аҳамиятсиз вазиятда мослашувчанликка майиллик кўрсатишди. Шахсий сўроқномаларнинг маолумотлари ҳам ана шундан далолат беради. Ҳамма гап синалувчилар ривожланиш даражаси ҳар хил бўлган гуруҳларда жамоанинг ўзини-ўзи белгилаш ҳодисасини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган тажриба шароитида ўзларини қандай тутишларида эди. Тажриба маҳлумотлари ривожланиш даражаси ҳар хил бўлган ва ўзларига нисбатан унча аҳамиятсиз таосир ўтказилганда гуруҳ тарзидаги тазйикқа кўнадм деган хулосага каби хусусияти борлигини, яони жамоа кадриятларни ҳимоя қила бориб, гуруҳ тарзидаги тазйикқа ён бермаслик каби қобилияти мавжудлигини кўрсатнишинн тасдиқлади. Бошқача сўз билан айтганда, гапга кўниш каби индивидуал-психологик фазилат жамоа аозоси сифатида индивиднинг шахсида тубдан ўзгариб қолиши мумкин. Гуруҳларга кирадиган индивидлар жамоанинг ўзини-ўзи белгилаш каби хусусияти борлигини, яони жамоа кадриятларни ҳимоя қила бориб, гуруҳ тарзидаги тазйикқа ён бермаслик каби қобилияти мавжудлигини кўрсатнишинн тасдиқлади. Бошқача сўз билан айтганда, гапга кўниш каби индивидуал-психологик фазилат жамоа аозоси сифатида индивиднинг шахсида тубдан ўзгариб қолиши мумкин.

Бошқа тадқиқотларда киши индивидуаллигининг экстрапунитивлиги (ўзининг хусусий муваффақиятсизликлари учун айбни бошқа одамларга аьдариш майли) каби

белгиси яхши жамоа аозосининг феол-атвориға хос бўлиш-бўлмаслиги, яони бу унинг шахсида муқаррар намоён бўлиш-бўлмаслиги аниқланди. Олдинига махсус шахс тести ёрдамида экстрапунитивлиги яққол ссзилиб турган спортчилар (спортнинг ўйналади гап турларига оид командаларнинг аозолари орасида улар жуда ҳам кўпчилик эди) гуруҳи аниқланди. Индивидуалликнинг ушбу белгиси улар учун етакчи ҳисобланмиш спорт фаолиятида уларнинг шахсиға оид фазилатларни аниқ кўрсатиб берадигандек туюлади. Ҳақиқатда эса спортчиларнинг яхши уюшгаи гуруҳларида (ҳақиқий жамоаларда), шахсий тест маолумотларига биноан экстрапунитив шахслар ўз командаси аозоларига нксбатан жамоанинг айнан бир хил бўлиб қолишиға қаратилган муносабатда бўла бошлашибди, яони шахснинг экстрапунитив белгисиға тамомила қарама-қарши фазилатни намоён қилишибди,

Шундай қилиб, инсон шахсининг тузилиши индивидуалликнинг тузилишиға қараганда кенг эканлиги шубҳасиздир. Шу боисдан бунга, биринчи навбатда, унинг индивидуаллигини кўрсатадиган ва фақат эҳтиросда, ички қиёфада қобилиятларда ва ҳоказоларда анча кенг ифодаланадиган фазилатлари ва умумий тузилишинигина эмас, балки шахснинг ривожланиш даражаси ҳар хил бўлган гуруҳларда, ана шу гуруҳ учун етакчи ҳисобланган фаолият орқали ифодаланадиган индивидлараро муносабатларда ўзини намоён этишини ҳам кўшиш шарт. Психологияси нуқтаи назаридан олганда, индивидуаллик тарзидаги шахсни тадқиқ этиш натижасида олинган маолумотлар индивидлараро муносабатлар субоекти сифатидаги шахснинг таорифига бевосита кучирилиши мумкин эмас: индивидуал-типик хусусият шахс яшаётган ва шаклланаётган бирликнинг ривожланишиға ва индивидлараро муносабатларнинг билвосита ифодасн ҳисобланган фаолиятнинг характери, қадриятлари ва мақсадларига боълиқ тарзда жиддий равишда турли хил кўринишда намоён бўлади.

Инсон шахси тузилишида биологик (табиий) ва ижтимоий омилларнинг ўзаро нисбати масаласи ҳозирги замон психологиясидаги энг мураккаб ва мунозарали масалалардан биридир.

**Ёдда тутинг:** Психологияда шахсда иккита омил-биологик ва ижтимоий омиллар таосири остида шаклланган иккита асосий кичик структура борлигини алоҳида таокидлайдиган назария сезиларли ўрин эгаллайди.

Инсон шахсининг ўзи «эндопсихик» ва «экзопсихик» тузилишға бўлинади, деган фикр ҳам илгари сурилди.

**Диққат қилинг:** Шахс тузилишининг кичик структураси сифатидаги «эндопсихика» бамисоли кишининг нерв-психик тузилишиға ўхшаш бўлган инсон шахсининг ички механизми каби психик қисмлар ва функцияларнинг ўзаро ички боълиқлигини ифода этади. «Экзопсихика»нинг ташқи муҳитға муносабати билан, яони шахс қандай бўлмасин, барибир муносабатға киришиши мумкин бўлган ва шахсға қарама-қарши турадиган тузилишларнинг барчасиға нисбатан муносабати билан белгиланади.

«Эндопсихика» мойиллик, хотира, тафаккур ва ҳаёл хусу-сиятлари, иродавий зўр бериш, ташқи таосирларға берилувчанлик каби бошқа ҳислатларни, «экзопсихика» эса киши муносабатлари системасини ва унинг тажрибасини, яони қизи-қишларини, мойилликларини, идеалларини, устун даражадаги ҳис-туйъуларини, шаклланган билимлари ва бошқа белгиларини ўз ичига олади. Табиий асосдаги «эндопсихика», ижтимоий омил билан белгиланадиган «экзопсихика»ға қарама-қарши ўларок, биологик жиҳат билан боълиқдир. Шахснинг серомиллиги тўърисида чет элларда мавжуд бўлган

замонавий назарияларда шахснинг тузилишии пировард натижада яна ўша асосий ҳисобланмиш биологик ва ижтимоий негизларга боълик қилиб қўйилади.

Икки омилнинг юқорида баён қилинган концепциясига нисбатан қандай ёндашиш керак? Тарихий жараённинг айнаи бир вақтда ҳам маҳсули, ҳам субоекти бўлган инсон шахси ижтимоий тузилиш билан ёнма-ён жойлашган ва тенг ҳуқуққа эга бўлган биологик тузилишни сақлаб қола олмасди. Индивид ривожланишининг табиий шарт-шароитлари, унинг жисмий тузилиши, нерв ва ички секреция безлари системаси, жисмоний тузилишидаги афзалликлари ва нуқсонлари унинг индивидуал-психологик фазилатлари шаклланишига қатой таосир кўрсатади. Лекин биологик хусусият киши шахснинг таркибига сингиб, ижтимоий омилга айланиб қолади ва кейинчалик ижтимоий шаклда (психологик жиҳатдан) мавжуд бўлади. Жумладан, мия патологияси индивидда, унинг тузилишида унинг биологик жиҳатлар билан боълик, лекин шахсий белгилари ҳисобланмиш индивидуал психологик ҳислатларни келтириб чиқаради. Улар ижтимоий сабабиятларга (детерминацияга) кўра шахснинг аниқ фазилатларига айланиб қолиши ҳам, айланмаслиги ҳам мумкин. Табиий, таркибий фазилатлар ва ҳислатлар шахс тузилишида унинг қисмлари билан ижтимоий жиҳатдан боъланган тарзда юзага чиқади.

Инсон шахсининг индивидуаллигида унинг табиий, биологик тузилиши ўзининг изини қолдирадн, албатта. Гап шахснинг тузилишида биологик ва ижтимоий омилларни ҳисобга олиш керакми, ё йўқлиги ҳақида эмас (уларни эотиборга олиш шарт, албатта), балки улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни қандай тушуниш кераклиги ҳақидадир. Иккита омил назариясп ижтимоий ва биологик омилларни, муҳит ва биологик тузилишни, «экзопсихика»ни беихтиёр равишда бир-бирига қарама-қарши қўяди. Ҳақиқатда эса бундай ташқи, ўзидан-ўзи бўладигани қарама-қарши қўйиш самарасиздир ва шахснинг тузилишини англаб олиш учун ҳеч бир наф келтирмайди. Лекин шахснинг шаклланиши ва тузилишидаги табиийлик ва ижтимоийлик масаласига бошқача ёндашиш ҳам мумкин.

Буни бўйи 80-130 сантиметрдан ошманднган одамлар шахсига хос белгиларнинг шаклланишини ўрганишга баъишланган тадқиқот мисолида кўриб чиқамиз, Бўйишшг пастлигидан бошқа бирон-бир патологик чекланишлари бўлмаган бу одамлар индивидуаллигининг тузилишида анчагина ўхшаш жиҳатдан мавжудлиги аниқланди. Уларда ўзига хос бачкана юмор, мулоҳазасиз некбннлик, самимийлик, анчагнна ҳнссий зўриқншни тақозо этадиган вазиятларга юксак сабр-бардошлик, бирон-бир дараждда ийманиб ўтирмаслик ва шу қабилар кузатилди. Шахснинг бу ҳислатлари пакана кишиларнинг табиий хусусиятлари нағижаси ҳисобланган ҳолда, йўқ деганда, паканалар билан уларнинг тенгдошлари ўртасида бўйларининг усишидаги фарқ билиниб қолган пайтдан бошлаб, паканалар мавжуд бўлган социал вазият шароитларидагина пайдо бўлиши ва шаклланиши мумкинлиги учун ҳам уларни на «эндопсихика»га, на «экзопсихика»га қўшиб бўлмайди. Айнан теварак-атрофдагилар паканаларга нисбатан ўйинчоқ сифатида муносабатда бўлиб, улар ҳам бошқалар сингари сезишлари ва фикр юрнтишлари мумкинлигини кўриб хайратланишаркан, уларга бошқа одамларга қараганда цзгача муносабатда бўлишлари сабабли паканаларда индивидуалликнинг ўзига хос тузилиши юзага келади ва қайд этилади. Агар пакана кишининг бўйи худди шунақа одамлар орасида шаклланади, деб бир дақиқа тасаввур этиладиган бўлса, у ҳолда унда ҳам шахснинг атрофидаги бошқа одамлардаги каби тамомила бошқа белгилари шакллана бошлаши мутлақо равшан бўлиб қолди.

Табиий, таркибий жиҳатлар ва белгилар киши шахсининг индивидуаллиги тузилишида унанг ижтимоий жиҳатдан тақозо этилган қисмлари сифатида мавжуд бўлади. Табиий (анатомик, физиологик ва бошқа фазилатлар) ва ижтимоий ҳислатлар боирликни ташкил топтирадц ва шахснинг мустақил кичик тузилиши сифатида бир-бирига ўзидан-ўзи қарама-қарши қўпилиши мумкин эмас.

Бинобарин, индивидуалликнинг тузилишида табиий, биологик омилларнинг ҳам, ижтимоий омилларнинг ҳам ролини тан олган ҳолда, киши шахсидаги биологик кичик

тузилишни фақат шунга асосланиб излаш мумкин эмас. Негаки, унда улар ўзгарган ҳолда аллақачон мавжуддир.

Шундай қилиб, шахснинг тузилишига, биринчи навбатда, унинг индивидуаллигининг киши эҳтиросининг, ички қиёфасининг, қобилиятларининг тузилишида мужассамлашган, шахс психологқясини англаб етиш учун зарур, лекин етарли бўлмаган системали тарзда тузилиши киради.

**Эотибор беринг:** Шахс тузилишининг биринчи таркибий қисми-унинг индивид ичкарасидаги (интериндивид) кичик система^алоҳкла намоён бўлади.

Шахс ўзи бирикиб кетган жамият билан, гуруҳлар билан ҳақиқий муносабатлар системасида субоект бўлиб, индивиднинг органик гавдаси ичидагн аллақандай ёпиқ бўшлиқдагина жойлашган бўлиши мумкин эмас, балки у ўзини индивидларар» муносабатлар бўшлиьида намоён қилади. Индивид ўз ҳолича эмас, балки шахслараро ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг ҳеч бўлмаганда иккита индивид (амалда бирлик, гуруҳ, жамоа) жалб этиладиган жараёнлари ана шу ўзаро биргаликдаги ҳаракат иштирокчиларидан ҳар бирининг шахси намоён бўлиши сифатида талқин қилиниши мумкин.

Бунда шахс ўзининг «ҳақиқий муносабатлари» системасида бамисоли ўзининг индивиднинг жисмий борлиьидан фарқ қиладигап алоҳида борлиьига эга бўлади. Шахс тузилишининг таорифларидан бирини шахснинг интериндивид кичик системасини ташкил этиладиган индивиднинг органик тарздаги гавдасидан ташқаридаги «бўшлиқдан» кидириш керак.

Шуниси диққатга сазоворки, шахснинг тадқиқ, этилишини индивидлараро «бўшлиққа» кўчириб, юқорида баён этилган жамоага тааллуқли ҳодисалар-жамоанинг ўзини-ўзи белгилаши, жамоанинг айнан бир хил бўлиб кетиши ва ҳоказолар нималардаи иборатлиги ҳақидаги саволга жавоб оламиз. Хусусан, булар ўзи нима: гуруҳ тарзидаги кўринишларми, ёхуд шахсий кўриинишпарми. Шахснинг таҳрифи ва мавжудлигининг ўзи индивиднинг «териси ичида» қолмасдан, балки индивидлараро «бўшлиққа» олиб чиқилиши биланоқ «индивид» ва «шахс» (ёхуд шахсий, ё гуруҳ тарзидаги) тушунчаларни айнан бир-бирига ўхшатиш нагижасида ҳосил бўладиган сохта алртернативага барҳам берилган бўлади. Шахсий фазилатларнинг намоён бўлиши гуруҳ тарзидаги ўзаро муносабатларнинг намоён бўлиши сифатида, гуруҳ тарзидаги намоён бўлиш эса шахснинг ўзини намоён қилишининг аниқ шакли сифатида юзага чиқади.

Интраиндивид ва интериндизид кичик системалари шахс-нинг ўзини намоён қилишининг барча жиҳатларини акс эттира олмайди.

**Эсда сақланг:** Шахснинг тузилишини таркиб топтирадиган учинчи бир қисми - метаиндивид (индиеиднинг устки кўриниш) кичик тузилишини ҳам алоҳида кўрсатиш имконияти мавжуддир.

Бунда шахс индивиднинг органик гавдасидан ташқарига чиқарилиб қолмасдан, балки унинг бошқа индивидлар билан «шу ерда ва эндиликда» мавжуд бўлган алоқаларидан ҳам ташқарида жойлаштирилади. Бундай ҳрлда субҳектнинг ўз фаолияти ёрдамида билиб ё билмасдан бошқа кишиларга ўтказадиган «жамъармалари» психологнинг диққат марказида бўлади. Бу билан индивид шахс сифатида ўзи билан у ёки бу даражада боълиқ одамларнинг ақлий ва ҳиссий-иродавий жиҳатларида фаол тарзда ҳосил қилинадиган туб ўзгаришлар субоекти бўлиб хизмат қилади. Гап субоектнинг

бошқа индивидларга таосир ўтказиши чоъидагина эмас, балки бевосита бир лаҳзалик ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш чегараларидан ташқарида ҳам ўзлигини бошқаларда ўзига хос давом эттиришдек фаол жараён ҳақида бормоқда. Субъектнинг ўзлигики бошқа индивидда давом эттиришдан, бошқа кишиларга ўтказилган «жамъармалар» ҳисобига ўзининг шахс сифатида бошқалар «кўнгилдагидек» ўрнашиб қолиши тахминлашдан иборат бўлган бу жараён персонализация (персонажлаштириш) деган ном олгандир.

Агар биз мазкур индивид ўзининг реал аниқ фаолияти ва муносабати орқали бошқа индивидларда содир қилган ҳамда бошқаларда унинг кўнгилдзгидек из қолдирадиган - шахсга хосликни такроолайдиган даражада жиддий ўзгаришларни қайд эта олган бўлсак, у ҳолда биз унинг айнан шахс сифатидаги анча тўла таорифига эга бўлур эдик. Индивид шахснинг тарихдаги ролига оид марксча концепцияда тасвирлаб берилган муайян ижтимоий-тарихий вазиятдаги тарихий шахс даражасига борди-ю, бу ўзгаришлар фақат замондошларининг эмас, балки пировард натижада ижтимоий амалиётга жамъарма ҳисобланадиган ана шу шахсий жамъармаларни етарлича аниқ чамалаб кўриш имкониятига эга бўлган тарихнинг ҳам баҳосини олган ҳолда одамларнинг етарли даражада кенг доирасига таосир кўрсатган таъдирдагина кўтарилиши мумкин.

Агар ҳақиқий шахсни мажозий маҳнода фаолият орқали ўзлигини намоён қилиш шароитларида ушбу шахс билан боълиқ одамларни ўзгартириб юборадиган аллақандай кучли радиация манбаи деб (маолумки, радиация фойдали ҳам, зарурли ҳам бўлиши мумкин, даволаши ҳам, дардманд қилиб кўйиши ҳам, тараққиётни жадаллаштириши ҳам, секинлатиб кўйиши турли хилдаги янги аломатларнинг пайдо бўлишига олиб келиши ҳам мумкин ва хоказо) талқин қилиш мумкин булса, у ҳолда шахсий таорифи камбаъал бўлган индивидни на фойдали ва на зарарли бирон-бир ўзгариш қилмасдан ҳар қандай қалин муҳитга ҳам кириб бора оладиган нейтрон заррачага ўхшатиш мумкин. «Шахснинг киёфасизлиги» бошқа одамлар учун. аҳамияти бўлмаган индивиднинг, уларни «на иситмайдиган ва на совутмайдиган», борлиги ёки йўқлиги уларнинг ҳаётини, хулқ-атворини ҳеч қандай тарзда ўзгартира олмайдиган, на бойитмайдиган ва на қашшоқлаштира олмайдиган, бу билан кўп жиҳатдан уни шахсиз қилиб кўядиган кишининг тахрифидир.

Персонажлаштириш ҳодисаси тажриба йўли билан ақиқланиши мумкин. Бу кўплаб тадқиқотларда исботланди.

**Ёдда тутиш:** Шундай қилиб, инсон шахсининг тузилиши учта таркибий қисмдан, учта кичик системадан иборатдир: шахснинг индивидуаллиги, унинг шахслараро муносабатлар системасида ва бошқа одамларда гавдаланганлиги ҳамда шахснинг ўзи келиб чиқишига кўра индивидлараро, ижтимоий алоқалар ва муносабатлар субекти сифатида мавжуд бўлишига барча, учала жиҳатнинг бирлигида таорифланган бўлиши шарт.

Шахсни унинг барча учала кичик тузилиши жиҳатидан таҳлил этишнинг бирлигини унинг обрў-эотиборлиги каби муҳим таорифи мисолида кўриб чққамиз.

Обрў-эотибор индивидлараро муносабатлар системасида таркиб топади ва гуруҳнинг ривожланиш даражасига боълиқ ҳолда бир хил жамоаларда қатоий авторитаризм, кучлининг ҳуқуий тан олиниши сифатида афзаллигига кўра «ҳокимият обрў-эотибори» сифатида намоён бўлса, бошқаларида, яони юксак даражада уюшган гуруҳларда эса «обрў-эотиборнинг» демократик «ҳокимияти» сифатида юзага чиқади. Бунда шахсий хусусиятлар гуруҳга хос хусусият, гуруҳининг хусусиятлари эса шахсга хос хусусиятлар сифатида (шахснинг интериндивид кичик системаси) хизмат қилади. Шахснинг метаиндивид кичик системаси доирасидаги обрў-эотиборлилик -бу индивидларнинг аҳамиятга молик ҳолатларда ўзлари учун аҳамиятли қарорлар қабул қила

олиш ҳуқуқининг бошқалар томонидан тан олиниси, у ўз фаолияти билан қўшган хиссанинг шахсга тегишли фаолиятлари натижасидир. Яхши ривожланмаган гуруҳларда бу унинг аозолари мослашувчанлигининг натижаси бўлса, жамоа тусидаги гуруҳларда жамоанинг ўзини ўзи белгилаши самараси ҳисобланади. Шундай қилиб, жамоадаги обрў-эотиборлилик -бу субоектнинг аввало бошқаларда (баозида у ўз обрў-эотиборининг қай даражада эканлигини билмаслиги ҳам мумкин) ва фақат шу муносабат билан субоектнинг ўзида юксак даражада гавдаланганлиги демакдир. Ниҳоят, шахснинг индивид ичидаги «бўшлиь»да -субоектнинг психологик фазилатлари комплексидир: биринчи ҳолда ўзбошимчалиги, каттиқ қўллиги, ўзига ортиқча бино қўйиши, танқидни ёқтирмаслиги бўлса, бошқа ҳолларда-принципиаллиги, беҳад ақллилиги, хайрихоҳлиги, меоёрида талабчанлиги (шахснинг интераиндивид кичик системаси) ва ҳоказолардир.

Шахснинг метаиндивид кичик системаси кишининг энг муҳим маонавий эҳтиёжларидан бири шахс даражасига кўтарилиш эҳтиёжини, яони ўз фаолияти билан бошқа одамларнинг ақлий ва хиссий жабҳаларида улар учун аҳалшятга эга булган ўзгаришлар яшашини бошқалардан кўпроқ даражада ифода этади. Бундай эҳтиёж субоект томонидан апланилган ёки апланилмаган бўлиши мумкин, бир кишида у анча тезроқ, бошқа бировида эса секинроқ бўлиши, унинг рўёбга чиқарилиши бошқа одамлар учун ижобий ёки салбий оқибатлар келтриши мумкин, ниҳоят, бир кишида бу эҳтиёжларни қондириш учун воситалар мавжуд бўлиши (юксак даражада билимдонлиги, ёхуд хиссий оламининг бойлиги, ёхуд турли хилдаги кўплаб малакаларга эгалиги, ёхуд беҳад мардлиги ва қатойлиги, ёхуд ана шу фазилатларнинг ҳажми эвазига) мумкин, бошқасида эса бундай воситалар анча чекланган бўлади.

Индивиднинг шахс даражасига кўтарилиш эҳтиёжи аниқ-тарихий шаклда мавжуд бўлиб, синфий мазмунга эгадир. Социализмга қадар бўлган ижтимоий формацияларда бу эҳтиёж фақат ҳукмрон синфларнинг вакиллари томонидан батамом қондирилган бўлиши мумкин эди ва меҳнаткашларнинг бу каби эҳтиёжи барча усуллар билан тийиб қўйиларди. Корпоратив тусдаги гуруҳлар ҳар бир киши дсперсонализациялаш ҳисобига, бошқа барча одамлардаги шахс даражасига кўтарилиш-эҳтиёжи ва қобилиятларини тийиб қўйиш эвазига «шахс» бўлиб етишишга интилади. Тажриба йўли билан ўтказилган тадқиқотлар шахс даражасига кўтарилиш эҳтиёжининг қондирилиши персонажлашган, бошқа кишиларда гавдаланган бўлиш учун қулай шарт-шароитлар ривожланишининг юксак Даражасига эришган гуруҳ сифатидаги жамоада яратилишини курсатади.

## **Мавзу. Идрок ҳақида тушунча.**

### **Режа.**

1. Идрок тшърисида умумий тушунча.
2. Идрокнинг мураккаблиги.
3. Идрокнинг активлиги ва кузатиш.

### **Таянч иборалар.**

Идрок, идрокнинг мураккаблиги, ирокнинг мазмуни, ихтиёрий идрок, кузатиш, кузатувчанлик, идрокнинг активлиги.

Идрок сезги аҳзоларимизга таҳсир қилиб турган нарсаларнинг онгда бевосита акс этишидир. Биз нарса ва ҳодисаларни яхлит ҳолича идрок қиламиз, нарсаларнинг айрим хоссаларини эса сезамиз. Масалан, қуёшни биз идрок қиламиз, унинг ёруғини эса сезамиз, оғзимиздаги чакмоқ қандни идрок

қиламиз, унинг ширинлигини эса сезамиз. Аммо хосса ва нарса бир-биридан ажралмасдир, шу сабабли нарсаларни идрок қилиш ҳам сезгилардан ажралган ҳолда воқе бўлиши мумкин эмас,

Биз бир нарсани идрок қилаётганимизда унинг айрим хоссаларини ҳам сезамиз. Бирор нарсанинг ўзини идрок қилмасдан ҳосил бўладиган сезгилар янги туғилган чақалоқ ҳаётининг дастлабки кунларидагина мавжуд бўлса керак; чақалоқ нарсанинг ўзини идрок қила билмаса ҳам ундан ҳосил бўладиган сезгиларни ажратади, масалан, ёруғ ва қоронғини, ширин ва нордонни сезади. Одамнинг мураккаб психик ҳаётида айрим сезгилар фақат идрок процессида фикрий анализ ва абстрактлаштириш йўли билан ажратилади.

### **Мунозарали савол: Сезги ва идрокнинг фарқи нима?**

#### **Диққат қилинг:**

Сезгилар, одатда содда, элементар психик процесс деб ҳисобланади, идрок эса мураккаб психик процессдир. Биз идрок қилаётган нарсалар ғоятда хилма-хилдир. Бшлар жумласига, аввало турли буюмлар, чунончи - бинолар, дарахтлар, жиҳозлар, техника буюмлари ва ҳоказолар киради. Биз музыка, сурат, расм ва бошқа санҳат асарларини идрок қиламиз. Одамнинг ҳаётида нутқни - оғзаки ва ёзма нутқни идрок қилиш энг катта ва муҳим ўрин тутаяди. Атроф-ёнимиздаги нарса ва ҳодисалар бир-биридан ажралган ҳолда эмас, балки ҳамма вақт идрок қилиниб турган нарса бошқа нарсалар билан макон ва вақт жиҳатдан бир-бири билан боғланган ҳолда идрок қилинаётганини ҳар бир киши ўз кундалик тажрибасидан яхши билади. Масалан, столни идрок қилаётганимизда биз унинг жойини, атрофини ўраб олган стулларни, шу пайтда радиодан эшитилаётган музикани ҳам идрок қиламиз, хона ичидаги радиоприёмникни ҳам, кишиларни ҳам бир вақтда кўрамыз.

#### **Эҳтибор беринг:**

Биз нарса ва ҳодисаларни макон ва замон шароитида идрок қиламиз. Макон ва замон моддий борлиқ формаси сифатида, барча бошқа реалликлар каби идрок қилинади. Бунинг маҳноси шуки, биз нарсаларни, уларга хос бўлган фазодаги формалари (куб, учбурчак, доира ва ҳоказо шакллари)га, фазодаги катта-кичиклиги (катта, кичкина, майда ва ҳоказо)га, фазодаги муносабатлари (бир-бирига ва бизга нисбатан яқин, узоқ, чап, ўнг томонда, юқори ва паст туришлари)га қараб идрок қиламиз, улар тинч ёки ҳаракат ҳолатларида идрок қилинади. Биз идрок қилиб турган нарса ва ҳодисаларни маҳлум вақт (замон) давомида пайдо бўлиш ва ўзгариб боришларида идрок қиламиз.

Идрокда 1) идрок процессини, яхши онгимизнинг бевосита акс эттирувчи фаолиятини ва 2) нарсаларни идрок қилиш (акс эттириш)дан ҳосил бўладиган субъектив образни бир-биридан фарқ қилиш лозим.

### **Мунозарали савол: Идрокнинг мураккаблиги нима?**

#### **Диққат қилинг:**

Идрок мураккаб психик процессдир. Бу мураккаблик, аввало шундан иборатки, ҳар бир идрок таркибига айна вақтда бир неча сезги киради, Масалан, қовунни идрок қилиш унинг шаклини, рангини (кўк, оқ ва ҳоказоларни) сезиш - бу кўриш сезгиларидир, ҳидни сезиш (ҳид сезгилари), ширин, чучуклигини сезиш (маза сезгилари), оғир-енгиллигини, каттиқ-юмшоқлигини сезиш (мускул сезгилари) ва бошқа сезгилардан таркиб топади.

#### **Эҳтибор беринг:**

Идрок қилишда анализ ёрдамида ажратилган шу айрим сезгилар (рецепторлар) идрокнинг рецептив томонини ташкил қилади.

Шу хоссаларнинг жамини сезишдан идрок қилаётган нарсанинг дастлабки бевосита образи ҳосил бўлади, бу идрокнинг перцептив томонини ташкил қилади. Бунда шу хоссалар нарсанинг ўзида қандай боғланган бўлса, айна шу таркибда сезилади. Шу сабабли идрок қилинаётган нарсанинг дастлабки образи ҳам сезгиларнинг механик жами (йиғиндиси)дан иборат бўлмай, балки яхлит, бир бутун бўлади.

**Мунозарали савол: Идрокнинг нерв-физиологик механизмлари нима?**

#### **Диққат қилинг:**

Идрокнинг нерв-физиологик механизмлари ҳам сезгилардагига караганда анча мураккабдир. Идрокнинг физиологик асоси бош мия пўстининг анализ-синтез фаолиятдан иборат бўлиб, бу фаолият сезги органларимизга таҳсир қилиб турадиган нарса ёки ҳодисанинг битта хоссаси билан эмас, балки бу хоссаларнинг жами, бутун бир комплекси билан вужудга келади. Идрокнинг нерв-физиологик механизми нарсалар хоссалари жамининг таҳсири билан ҳосил бўладиган муваққат боғланишлар системасидан иборатдир. Ҳар бир нарсадаги хоссаларнинг шу жамига қараб, биз нарсаларни бир- биридан фарқ қиламиз.

И. П. Павлов қилган тажрибалардан маълум бўлдики, агар анализаторга биронта яқка қўзғовчи эмас, балки қўзғовчиларнинг жами мунтазам таҳсир қилиб турса, бундан туғиладиган реакция ҳар бир қўзғовчининг ўз хусусиятига қараб эмас, балки бу қўзғовчиларнинг ўзаро қандай боғланишига, ўзаро муносабатига қараб туғилади. И. П. Павлов бу ҳодисани муносабат рефлекси деб атади.

Бундай боғланишларнинг кўриш анализаторида ҳосил бўлиши, масалан, муайян бир фигураларнинг қандай ранг билан чизилганлиги ва катта-кичиклигидан қатъи назар, уларнинг контурларини топиб олишга имкон беради. Бундай боғланишларнинг эшитиш анализаторида ҳосил бўлиши биронта мелодиянинг баланд ёки паст (ингичка ёки йўғон) тонда ижро қилинишидан қатъи назар, уни таниб олинишига (бир хилда идрок қилинишига) имкон беради. Муносабат рефлекси нарсанинг айрим хоссаларининг ўзаро объектив боғлиқлигини акс эттиришдан иборатдир.

#### **Эҳтибор беринг:**

Шундай қилиб, идрок битта сезги органининг иши бўлавермай, балки бошқа бир қанча сезги органлари, бир қанча анализаторларнинг фаолияти маҳсулидир. Лекин ҳар бир идрокда сезги органларидан бири энг муҳим ўрин тутди. Масалан, суратни идрок қилишда кўриш органи, музикани идрок қилишда эшитиш органи бош ўринда туради. Идрок ҳам сезгилар каби, бош ўринда турадиган ана шу органларга қараб: кўриш, эшитиш, ҳид, маза ва бошқа идрок хилларига бўлинади. Бшлардан ҳаётимиз учун энг муҳимлари кўриш билан эшитиш идрокидир.

Бшлардан ташқари, идрокнинг яна аралаш тўри ҳам бор. Идрокнинг бу турида ёлғиз бир сезги органи эмас, балки икки, уч сезги орган баравар муҳим ўринда туради. Овозли кинофильм ёки операни идрок қилишда кўриш ва эшитиш сезгиси баравар муҳим ўрин тштиши аралаш идрокка мисол бўла олади.

### **Мунозарали савол: Идрокнинг мазмуни нима?**

#### **Диққат қилинг:**

Идрокнинг мазмуни унинг таркибига кирган сезгиларнинг фақат оддий жами (йиғиндиси)дан иборат бўлиб қолмайди. Ҳар бир идрок таркибига сезгилар кириши билан бирга, одамнинг ўтмишида ҳосил қилган тажрибалари ва билимлари ҳам киради. Биз ўтмишдаги тажрибамизда учбурчак ва доираларни кўп марта кўрганмиз, бу фигуралар билан кўп марта иш кўрганмиз. Бу фигураларнинг образи миямизда мустаҳкам ўрнашиб қолган. Шу сабабли, уларнинг расмларни кўришимиз билан илгари бизда ҳосил бўлган тасаввурлар яна эсимизга келиб, миямизда учбурчак ёки доиранинг яхлит образи пайдо бўлади. Атроф-ёнимиздаги ҳамма нарсаларни идрок этиш ана шундай амалга оширилади.

#### **Эҳтибор беринг:**

Идрок процессларида диққат ғоят катта аҳамиятга эгадир. Диққат идрокнинг активлигини оширади ва идрокнинг мукамал, расо ва равшан бўлишига хизмат қилади. Диққат активлик даражасига қараб, ихтиёрсиз ва ихтиёрий бўлади, шу сабабли идрок ҳам ихтиёрсиз ва ихтиёрийравишда вужудга келади. Муайян бир обҳектни олдиндан мақсад қилиб олмасдан ва маҳсус танланмасдан, куч сарф этмасдан идрок қилиш процессини ихтиёрсиз идрок деб аталади. Бундай идрок про-цесслари диққатимизни беихтиёр ўзига жалб қилаётган обҳектларнинг таҳсири билан кўзғалади; масалан, биз узокдан келаётган поезд овозини беихтиёр эшитамиз, тунда қирда ёнаётган алангани узокдан беихтиёр кўрамиз. Шзининг ёрқинлиги, ранг-баранглиги, ҳаракати, контрастлиги билан ажралиб турадиган нарса ёки ҳодисалар, одатда, беихтиёр идрок қилинади, шунингдек, айни вақтда биронта эҳтиёж ва манфаатимизга жавоб берадиган, шахсий тажриба ва билимларимизга энг кўп даражада мувофиқ келадиган ва биз учун ғоят катта аҳамияти бўлган обҳектлар ҳам беихтиёр идрок қилинади. Ихтиёрсиз идрок тетик, бардам вақтимизда бизда тўхтовсиз бўлиб турадиган процессдир.

### **Мунозарали савол: Ихтиёрий идрок нима?**

**Диққат қилинг:**

Олдин белгиланган мақсадга қараб муайян бир объектни идрок қилишни ихтиёрий идрок деб аталади. Бадиий бир расмни кўриш, докладни эҳтибор билан эшитиш, ёзма ишлардаги имло хатоларини чизиш, операдаги арияни тинглаш, кўпчилик орасида ўзимиз қидирган бир шахсни топиб ажратиш ихтиёрий идрокка мисол бўла олади.

Ихтиёрий идрок ихтиёрсиз идрокдан айрилган ҳолда бўладиган процесс эмас. Ихтиёрсиз идрок ихтиёрий идрок учун гўё «фон» бўлиб хизмат қилади.

**Мунозарали савол: Кузатиш нима?****Диққат қилинг:**

Муайян соҳага тегишли нарса ва ҳодисаларни систематик ва узоқ вақт давомида ихтиёрий идрок қилиб боришни кузатиш деб аталади. Масалан, биз олма дарахтининг гуллашини маҳлум вақт давомида кузатиб боришимиз ёки бола нутқининг қандай ўсиб боришини бир неча йил давомида кузатиб боришимиз мумкин. Лекин кузатиш самарали бўлмоғи учун етарли даражада кучли, барқарор диққат билан бирга актив фикрлаш мавжуд бўлиши шарт.

**Мунозарали савол: Кузатувчанлик нима?****Диққат қилинг:**

Кишининг системали, давомли ва планли идрок қилиш қобилияти кузатувчанлик деб аталади.

**Эҳтибор беринг:**

Идрок процессларига хотира фаолияти ҳам қўшилади. Шу сабабли идрокнинг физиологик асосида аввал ҳосил бўлган муваққат нерв боғланишлари ҳам мавжуддир. Агар идрок процессига хотира иштирок қилмай қўйса, у ҳолда идрок унчалик мазмунли бўла олмас, ҳамма буюм ва ҳодисалар назаримизда ҳар гал янги ва нотаниш нарсадек бўлиб кўринаверади. Хотира туфайли биз нарсаларни ҳар гал айнан ўша нарса ёки ўхшаш нарса, ё бўлмаса бир-биридан бошқа-бошқа нарса деб идрок қиламиз. Ҳар бир идрок маҳлум даражада таниб олиш ва умумлаштириш процесси ҳамдир.

**Эҳтибор беринг:**

Кўп ҳолларда идрокимиз таркибига ўтмишдаги тажриба билан бирга хаёл тасаввурлари ҳам киради. Идрокнинг мазмуни баҳзан идрок қилинаётган объектнинг ўзига қараганда кенгроқ, бойроқ бўлади. Масалан, биз уй ичида туриб, қиров босган дераза ойнасига қарасак, одатда, қиров аллақандай тропик ўрмон ва гулларга ўхшаб кўринади. Кечқурун ёки ойдин кечаларда боғ ёки ўрмондаги дарахтлар баҳзан хаёлий тус олиб, кўзимизга аллақандай ғалати бўлиб кўринади.

**Эҳтибор беринг:**

Идрок қилинаётган объектларнинг ўз томонимиздан «қўшиб» шу тарзда кенгайтирилиши хаёлимиз маҳсулидир. Лекин бунда хаёл процесслари ҳам, хотира процесслари сингари, идрокда ихтиёрсиз, онгимиз

учун «билинмайдиган» бир суратда содир бўлади. Идрок процессларида хаёл иштирок этганлиги бизга идрок натижаларини анализ қилиб кўрганимиздагина маҳлум бўлиб қолади. Масалан, ўрмондаги тўнканинг қораси биронта ёввойи ҳайвонга ўхшаб кўзга кўринса, бу ҳолда ҳайвоннинг образи бу тўнкани идрок қилаётган кишининг хаёли маҳсулидир.

#### **Эҳтибор беринг:**

Идрок таркибига тафаккур ва нутқ фаолияти ҳам киради. Бунда тафаккур ва нутқ фаолияти, аввало идрок қилинаётган нарса ва ҳодисанинг номини овоз билан ёки ўз ичида айтишда ва билишда ифодаланади. Нарса ва ҳодисанинг номини сўз билан ифодалаш демак—бу нарса ва ҳодисага ном бериш ва уни мавжуд тушунча доирасига киритиш демакдир. Агар идрок қилаётган бирон нареа ёки ҳодисамиз янги, номаҳлум бўлса, бизда дарров фикр фаолияти бошланиб, «бу нима», «бунинг номи нима» деган савол туғилади. Бу ҳол ҳам идрок процессида тафаккурнинг иштирокини кўрсатади. Ҳар бир идрок ҳукм (гап) формасида ифодаланади, масалан: «бу китоб», «бу одам», «бу музыка» ва ҳоказо. Одамнинг идроки сезги органларига таҳсир кўрсатаётган бирон нарсанинг оддийгина образи эмас, балки одамнинг тажрибаси заминида англаб, тушуниб олинадиган образдир. Нарса ва ҳодисаларни номини атаб, биз идрокимиз мазмунини очиқ-равшан қиламиз, бу идрокимизни бошқа кишилар учун ҳам аниқ қиламиз.

#### **Эҳтибор беринг:**

Нутқни, расмларни, бадий суратларни, музыка ва бошқа санҳат асарларини идрок қилиш, моддий буюмларни идрок этишга нисбатан кўп даражада мураккабдир. Шу жумладан идрокнинг мазмуни, асосан, одам ҳосил қилган тажрибанинг бойлиги, унда тафаккур ва хаёлнинг нечоғли тараққий қилганлиги билан белгиланади.

#### **Эҳтибор беринг:**

Идрокимизда нутқ иштирок қилганлигидан, идрокнинг физиологик асоси биринчи сигнал системасига оид нерв тўташувигина бўлиб қолмай, балки иккинчи сигнал системасининг ҳам нерв боғланишлари идрокнинг физиологик асосидир. Идрокда иккинчи ва биринчи сигнал системалари бирлашган ҳолда амал қилади.

#### **Мунозарали савол: Идрокнинг активлиги ва кузатиш нима?**

#### **Диққат қилинг:**

Идрок процесслари фақат теварак-атрофдаги нарсаларнинг сезги органларимизга таҳсир қилиб туришлари натижасидагина эмас, балки шу билан бирга идрок қилаётган одам ўзини, олами билиш ва амалий фаолиятида ён-атрофидаги нарсаларга таҳсир қилиши натижасида ҳам вужудга келади.

Идрокнинг активлигига, аввало унга боғлиқ бўлган ҳиссий кечинмалар сабаб бўлади. Бу туйғу-ҳислар, аввало шу топдаги идрок таркибига кирадиган сезгиларнинг эмоционал (ҳиссий) тонидан иборат бўлади. Идрок қилинаётган нарса ва ҳодисалар тўғрисида ўтмишда туғилган таассурот ва фикрлар билан боғлиқ ҳиссиёт ҳам шу жумладандир. Кўпинча одамнинг идрокига шу пайтда кечириётган биронта ҳиссиёти - шодлиги,

хушчакчақлиги, ғамгинлиги, тажанглиги ва бошқа шу каби туйғулари тахсир қилиб, идрок қилинаётган нарса ёки ҳодисага маҳлум бир тус беради. Шу сабабли, кишининг таҳби хиралик вақтида табиат манзаралари унга аллақандай «ғамгин», «махюс»дек кўринадиган бўлса, таҳби чоғ вақтида гуллар «кулиб» тургандай, ҳамма ёқ «кувноқ» дек кўринадиди ва ҳоказо.

### **Эҳтибор беринг:**

Туйғу-ҳислар идрок мазмунини жонли, ёрқин қилади, идрокни маҳлум бир томонга йўналтиради. Туйғу-ҳислар идронинг активлик даражасини кучайтиради, идрок шароити бўлган бошқа психик процессларнинг илдамлик даражасига тахсир қилади: бу процессларни тезлатади ёки сусайтиради. Идрок билан боғлиқ ҳислар, жумладан, хаёл процессларини кўзғатиб фаоллаштиради. Ҳар бир киши маҳлум даражада кузата билиш қобилиятига эга, бу қобилият ҳар кимнинг ўз ҳаётини тажрибаси ва билиш фаолиятида тараққий қилиб боради. Аммо ҳар бир кишини ҳам кузатиш маҳорати зўр деб бўлавермайди. Кузата билиш қобилияти зўр киши деб, одатда, ўз олдига жамият учун фойдали, илмий ва бошқа муҳим вазифаларни қўя билладиган, теварак-атрофдаги хилма-хил нарса ва ҳодисалардан керакли ва энг муҳим объектларни ажрата билладиган кишига айтилади. Кузата билладиган киши идрок қилинаётган нарса ва ҳодисалардаги ўхшашликни ва фарқни дарров пайқаб олади, бу нарса ва ҳодисаларнинг энг муҳим, зарур хусусиятларини ажрата биллади.

Разм сола билиш, кузатувчанлик қобилияти шахсинг ниҳоятда қимматли сифатларидандир. У мавжуд шароитни тўғри тушунишга, ўраб олган оламни самарали ўрганишга ва хусусан, ўқув материални чуқур ўзлаштиришга имкон беради.

## **Мавзу. Хаёл ва унинг асосий турлари**

### **Режа.**

1. Хаёл билиш жараёни сифатида.
2. Хаёл жараёнлари ҳақида тушунча.
3. Хаёл жараёнининг физиологик асослари.
4. Хаёлий образлар яшаш усуллари.

### **Таянч иборалар**

Хаёл, актив хаёл, пассив хаёл, ижодий хаёл, хаёл механизмлари, агглютинация, гиперболизация, схемалаштириш, типиклаштириш.

Хаёл ёки фантазия, тафаккур каби, юксак билиш жараёнлари қаторига кириб, кишининг шизига хос инсоний характерга эга бўлган фаолиятларида намоён бўлади.

**Муаммо.** Хаёл ва инсон фаолиятининг қандай боғлиқлиги бор?

**Ёдда тутинг!** Меҳнатнинг тайёр натижасини хаёлга келтирмай туриб, ишга киришиб бўлмайди. Фантазия ёрдами билан кутилаётган натижани тасаввур қилиш - инсон меҳнатининг ҳайвонлар инстинктив фаолиятдан туб фарқидир. Исталган меҳнат жараёни зарур тарзда хаёлни шиз ичига қамраб олади. Хаёл бадиий, конструкторлик, илмий адабий, музыкавий ва умуман ижодий фаолиятнинг зарур томони сифатида намоён бўлади. Қисқа қилиб айтганда, қўлда оддий бир стол яшаш учун опера арияси ёки бирор қисса ёзишга қараганда оз хаёл талаб қилинмайди, столнинг қандай шаклда бўлишини, унинг баландлигини, кенглигини, оёқлари қандай маҳкамланишини, овқатланиш столи, лаборатория столи ёки ёзиш столи сифатида шизининг белгиланган хизматига қанчалик жавоб беришини олдиндан тасаввур қилиш лозим. Бир шиз билан айтганда, ишни бошлашдан олдин бу столни тайёр ҳолда қўра билиш талаб қилинади.

Хаёл инсон ижодий фаолиятининг зарур элементи бўлиб, меҳнатнинг охириги ва оралиқ маҳсулотларида шиз ифодасини топади, шунингдек Мунозарали вазият ноаниқлик қўрсатган ҳолларда ҳуққ-атвор программасини тузишни таҳминлайди. Шунинг билан бирга хаёл актив

фаолиятни программалашти-рувчи эмас, балки унинг шрнини алмаштирувчи тимсоллар ҳосил қилиш воситаси сифатида юзага чиқади.

**Мунозарали савол. Хаёлнинг қандай вазифалари мавжуд?**

**Эҳтибор беринг!** Хаёлнинг психик жараён сифатидаги биринчи ва муҳим вазифаси шундан иборатки, у меҳнатни бошламасдан олдин унинг натижасини тасаввур қилиш имкониятини беради. Хаёл меҳнатнинг фақат сннгги натижасинигина эмас (масалан, битказилган тайёр маҳсулот сифатидаги стол), балки меҳнатнинг оралиқ маҳсулотларини (мазкур ҳолда столни ясаб битказиш учун тайёрланадиган деталларни ҳам) тасаввур қилиш имкониятини беради. Бинобарин, хаёл одамга фаолият жараёнида меҳнат маҳсулотларининг охирги ёки оралиқ психик моделларини ҳосил қилиш йщли билан йщл-йщрик кчрсатади. Бу эса меҳнат маҳсулотларини нарсалар сифатида гавдалантиришга ёрдам беради.

**Муаммо. Хаёлнинг тафаккур билан қандай боълиқлиги бор?**

**Диққат қилинг!** Хаёл тафаккур билан маҳкам боълангандир. Хаёл ҳам тафаккур сингари, келажакни олдиндан кчриш имкониятини беради. Тафаккур билан хаёл шртасидаги умумийлик ҳамда улар шртасидаги фарқлар нималардан иборат? Хаёл тафаккур сингари, Мунозарали вазиятда, яҳни масала ечишнинг янги усулларини қидириб топишда юзага келади. Тафаккур сингари хаёл шахснинг эҳтиёжларига асосланади. Эҳтиёжларни қондиришнинг реал жараёнидан олдин эҳтиёжларни қондиришнинг сохта, хаёлий жараёни содир бщлади, яҳни бу эҳтиёжларнинг қондирилиши мумкин бщлган вазиятни жонли, ёрқин тасаввур жараёнларида амалга ошириладиган намоёнликни олдиндан акс эттириш ёрқин тасаввурлар тарзида ва конкрет-образ шаклида содир бщлади. Шунинг билан бир пайтда тафаккур жараёнларида олдиндан акс эттириш оламни умумлаштириб, воситали тарзда билиш имконини берувчи тушунчалар билан ишлашда содир бщлади.

Шундай қилиб, фаолият бошланадиган Мунозарали вазиятда шу фаолиятнинг натижаларини онг билан кчра билишнинг иккита системси ташкил қилинган образлар (тасаввурлар) системаси ва ташкил қилинган тушунчалар системаси бордир. Образларни танлаш имконияти хаёлнинг асосида, тушунчаларни янгича қщшиб уйғунлаштириш эса тафаккурнинг асосида бщлади. Кщпинча мана шундай иш бирданига «икки қават» да амалга ошади, чунки образлар ва тушунчалар системаси шзаро маҳкам боълиқдир. Масалан, ҳаракат усули ҳаракатнинг қандай амалга оширилиши ҳақидаги ёрқин тасаввурлар билан| органик равишда қщшилиб кетган мантиқий муҳокама юритиш орқали амалга оширилади.

Тафаккур ва хаёлнинг шхшаш ҳамда фарқланувчи томонларини қараб чиқар эканмиз, муаммоли вазият оз ёки кщп ноаниқлик билан характерланиши мумкинлигини кчрсатиб штиш лозим. Масаланинг

дастлабки маълумотлари, аниқ бўлса, масалани ечиш йўлининг моҳияти тафаккур қонунларига қўпроқ тобе бўлади. Агар муаммоли вазият қўп жиҳатдан шўзининг ноаниқлиги билан ажралиб турса, дастлабки маълумотларни аниқ таҳлил қилиш жуда қийин бўлса, бундай ҳолда хаёл механизмлари ишга тушади. Масалан, дастлабки маълумотларнинг бирмунча ноаниқлиги ёзувчининг ишига таҳсир қилади. Адабий ижодда фантазиянинг роли шу қадар катталиги бежиз эмас. Ёзувчи хаёлида шўз қаҳрамонларининг тақдирларини кузатади. Ёзувчига конструктор ёки инженерларга қараганда ниҳоят даражада катта ноаниқлик билан иш олиб боришга тўшри келади, чунки инсон психикаси ва хатти-ҳаракатларининг қонуниятлари физика қонуниятларига қараганда қўп жиҳатдан мураккаб ҳамда анча камроқ маълумдир.

Муаммоли вазият характерланадиган турли шароитларга боьлик равишда айнан бир масаланинг шўзи ҳам хаёлнинг ёрдами билан, ҳам қатҳий тафаккур билан ечилиши мумкин. Вазиятнинг ноаниқлиги ниҳоятда катта бўлганда, яҳни билиш шу даражага келганда хаёл ишлай бошлайди, деб хулоса чиқаришга асос бордир. Вазият қанчалик одатдагидек, аниқ ва маълум бўлса, фантазия учун шўнчалик кам шўрин қолдиради. Шўз-шўздан қўп турибдики, асосий қонунлари маълум бўлган соҳадаги ҳодисалар учун хаёлдан фойдаланишга ҳеч қандай хожат йўқдир. Бироқ вазият ҳақида жуда таҳминий маълумот бўлса, аксинча, тафаккур ёрдами билан жавоб топиш қийин бўлади. Бу ерда фантазия шўз шўрини эгаллайди.

Хаёлнинг қиммати шўндан иборатки, у хатто тафаккур учун керак бўлган зарур билимлар бўлмаган жойда ҳам бирор қарорга келиш ҳамда муаммоли вазиятдан чиқиш имконини беради. Фантазия тафаккурнинг қандайдир босқичларидан «сакраб шўтиш» ва ҳар ҳолда шўнги натижани тасаввур қилиш имконини беради. Аммо муаммони ечиш йўлининг кучсиз томони ҳам худди мана шўндадир. Масала ечишнинг фантазия томонидан белгиланган йўли қўпичча етарли даражада аниқ ва қатҳий бўлмайди. Бироқ, муҳитда етарли бўлмаган маълумотлар билан яшаш ва ҳаракат қилиш зарурати кишида хаёл аппаратининг пайдо бўлишига олиб келди. Ваҳоланки, атрофимизни шўраб олган оламда шўрганилмаган соҳалар ҳамиша қолар экан, бу хаёл аппарати ҳамма вақт фойдали бўлади.

**Мунозарали савол.** Хаёлнинг активлиги ва фаоллиги нима билан характерланади?

**Ёдда тутинг!** Хаёл шўзининг активлиги ва фаоллиги билан характерланади. Шўунинг билан бирга хаёл аппарати фақат атрофдаги оламни шўзгартиришга қаратилган шахс ижодий фаолиятининг шўрти сифатида фойдаланилиши мумкин ва фойдаланилади. Айрим ҳолларда хаёл фаолиятнинг шўрнида, унинг сунҳий аралашмаси сифатида ҳаракат қилиши мумкин. Мана шу ҳолларда одам шўзига хал қилиб бўлмайдигандек қўпчинадиган масалалардан, турмушнинг оьир шароитларидан, шўз

хатоларининг таркибидан ва шу кабилардан яшириниш учун реал тасаввурлардан узок бшлган фантастика оламига вақтинча кириб кетади.

**Муаммо. Хаёлнинг қандай турлари мавжуд?**

**Ёдда тутинг!** Фантазиянинг ҳаётда гавдаланмайдиган образларни яратиши, амалга ошмайдиган ва кшпича амалга ошириб бшлмайдиган иш-ҳаракат программаларини белгилаши, пассив хаёл деб аталади. Киши пассив хаёлни олдиндан шйлаб юзага келтириши мумкин: Жшрттага юзага келтирилган ирода билан боълиқ бшлмаган, лекин ҳаётда гавдалантиришга қаратилган хаёл ширин хаёл деб аталади. Қандайдир қувончли, ёқимли, қизиқарли нарсалар ҳақида ширин хаёл суриш ҳамма одамларга хосдир. Мана шундай ширин хаёлларда фантазия маҳсулотлари билан эҳтиёжлар шртасидаги алоқа енгил намоён бшлади. Аммо инсон хаёлий жараёнларида ширин хаёл кечириш ҳоллари кшпроқ бшлса, бу шахснинг пассивлигидан далолат берувчи нуқсон ҳисобланади. Агар киши пассив бшлса, у келажакда яхши ҳаёт учун курашмаса, унинг ҳозирги ҳаёти эса қийин, кшнгилсиз бшлса, бундай ҳолда у шзининг эҳтиёжлари тшла қондириладиган, истаган нарсасини қшлга кирита оладиган, ҳозирги пайтда умид қила олмайдиган бирон мансабни эгаллайдиган сохта ҳаётни кшп вақт хаёл қилади.

**Ёдда тутинг!** Пассив хаёл шйлаб қшйилмаган тарзда ҳам юзага келиши мумкин. Бу асосан онг фаолиятининг, иккинчи сигнал системасининг сусайишида, кишининг вақтинча ҳаракатсизлик ҳолатида, уйқусираш ҳолатида, аффект ҳолатида, уйқуда туш кшришда, онгнинг касалликка учраб бузилишида (галлюцинацияда) ва шу кабиларда содир бшлади.

**Ёдда тутинг!** Агар пассив хаёлни олдиндан шйлаб ва шйламасдан қилинган турларга бшлиш мумкин бшлса, актив хаёлни ижодий ва қайта тикловчи хаёл турларига бшлиш мумкин бшлади. Сшз асосида тасвирига мувофиқ келадиган образлар системасини яратувчи хаёл қайта тикловчи хаёл деб аталади. Дарсликларни, бадий адабиётни шқишда, географик картани ва тарихий тасвирларни шрганишда хаёл ёрдами билан бу китобларда, хариталар ва ҳикояларда акс эттирилган нарсаларни қайта тиклашга тшъри келади.

Кшп мактаб шқувчилари китоблардаги табиат манзараларини тасвирлашни, иморатларнинг ички кшринишини ёки шаҳар манзарасининг тасвирини ҳамда сшзлар орқали персонажларга берилган портретларни ташлаб кетиш ёки тез кшз югуртириб чиқишга одатланиб қолганлар. Натижада бундай шқиш қайта тикловчи хаёлга озуқа бера олмайди ва бадий идрокни ҳамда шахснинг эмоционал шсишини

нихоятда сусайтириб юборади. Фантазия шқувчилар олдида ёрқин ва чиройли манзараларни кенг тарзда кшрсатишга улгура олмайди. Географик карталарни шрганиш қайта тикловчи хаёл тараққиётининг шзига хос мактаби хизматини штайди. Карта бшйлаб саёхат қилиш ва турли жойларни шз хаёлида тасаввур қилиш одати уларни шша жойларни ҳақиқатда тшъри кшра билишга ёрдам беради.

**Мунозарали савол. Ижодий хаёл қандай вужудга келади?**

**Эслаб қолинг!** Ижодий хаёл, қайта тикловчи хаёлдан фарқ қилган ҳолда, оригинал ва қимматли моддий маҳсулотларда амалга ошириладиган янги образларнинг яратилишини тақозо қилади. Меҳнатда пайдо бўлган ижодий хаёл эҳтиёжларини қондириш йшқлини излашда яққол тасаввурлар билан актив ва мақсадга мувофиқ иш тутадиган техник, бадиий ва исталган бошқа ижодиётнинг ажралмас томони бўлиб қолади.

Инсон шахсининг қиммати кшп жиҳатдан унинг структурасида хаёлнинг қайси тури устунлигига боьлиқдир. Агар шсмирлар ва ёшларда конкрет фаолиятларда амалга ошириладиган ижодий хаёллари пассив, қуруқ хаёлпарастликдан устунлик қилса, бу шахсининг тараққиёт даражаси юксакроқ эканлигидан далолат беради.

Киши фаолиятида хаёлнинг бажарадиган вазифаси аниқлаб олингач, фантазия тарзининг ва синтетик яратилишини амалга оширадиган жараёнлар характери қараб чиқилиши ва уларнинг структуралари аниқланиши лозим.

Одамга амалий ва ижодий фаолиятларда йшқл кшрсатувчи фантазия турлари қандай пайдо бўлади ҳамда уларнинг тузилиши қандай? Хаёл жараёнлари, идрок, хотира ва тафаккур жараёнлари каби аналитик-синтетик, характерга эгадир. Таҳлил идрок ва хотирадаёқ обҳектнинг айрим умумий, муҳим белгиларини ажратиш ва сақлаш ҳамда муҳим бўлмаган белгиларидан четлашиш имкониятини беради. Бу таҳлил синтез билан, яҳни шзига яраша эталон ҳосил қилиш билан тугалланади. Ана шундай эталон ёрдами билан бутунлай шзгартириб юборилганда ҳам номахлум шхшашлик доирасидан четга чиқмайдиган обҳектларни билиш амалга оширилади. Таҳлил ва синтез хаёлда бошқача йшқналишга эга бўлиб, образлар билан қилинадиган фаол жараёнларда бошқа тенденцияларни топиб, очиб беради.

**Ёдда тутинг!** Хотиранинг асосий тенденцияси образларни қайта тиклаб, эталонга максимал яқинлаштиришда, яҳни илгари ҳаётда бўлган, идрок қилинган, тушунилган, анланган иш-ҳаракат ёки обҳектни оқибат натижада аниқ нусхасига яқинлаштиришдан иборатдир. Хаёлнинг асосий тенденцияси оқибат натижада мутлақо

янги, шу пайтгача ҳосил қилинмаган вазият моделини ҳосил қилишни таҳминлайдиган тасаввурларни (тимсолларни) қайта тузишдан иборатдир. Ҳар иккала тенденция ҳам нисбий характерга эгадир: биз шз танишимизни, гарчи унинг белгилари, кийимлари, ҳатто овози сезиларли даражада шзгариб кетган бшшлишига қарамай, жуда кшп йиллардан сшнг ҳам таниб оламиз. Фантазия яратган ҳар қандан янги образда эскилик, илгаридан маҳлум бшлган белгилар кшкриниб туради.

Хаёлни унинг механизмлари жиҳатидан таҳрифларканмиз, шуни таҳкидлаб штиш керакки, хаёлнинг моҳияти тасаввурларни қайта тузиш жараёнидан ва шзимиздаги мавжуд образлар асосида янги образлар яратишдан иборатдир. Хаёл, фантазия реал намоёнликни янги, кутилмаган ҳамда одатдан шзгача қшшилиш ва боьланишларда акс эттиришдан иборатдир. Агар ҳатто қандайдир мутлақо ьаройиб нарсани шйлаб чиқариб, унга синчиклаб қараганимизда у нарсанинг барча элементлари—ҳаётдан, штмиш тажрибадан олинганлиги, булар ижодий фантазиянинг бирон босқичидаги каби, беҳисоб фактларнинг олдиндан шйлаб ёки шйланмасдан қилинган таҳлилнинг натижаларн бшлиб чиқади.

#### **Мунозарали савол. Агглютинация нима?**

**Эҳтибор қилинг!** Тимсолларни синтезлашнинг энг содда формаси агглютинация бшлиб, бу кундалик ҳаётимизда бирлаштириб бшлмайдган турли сифатлар, хусусиятлар ва қисмларни «ёпиштириб» бирлаштиришдан иборатдир. Агглютинация йшли билан эртак образлари яратилади. (сув париси - Русалка, товуқ оёида турган уйча, Пегас, кентавр ва бошқалар). Агглютинациядан техника билан боьлиқ бшлган ижодиётда ҳам фойдаланилади (масалан, танк билан қайиқнинг сифатларини шзида бирлаштирадиган танк-амфибия, фортепяно билан баян бирлашмаси бшлган аккордеон).

#### **Мунозарали савол. Гиперболизация нима?**

**Ёдда тутинг!** Тасаввур формаларини шзлаштириш жиҳатидан агтлютинацияга яқин турувчи - гиперболизациядир. Гиперболизация нарсаларни фақат катталаштириш ёки кичиклаштириш (тоьдек катта одам ва бош бармоқдек кичик бола) билан эмас, балки нарсалар қисмини, миқдорини ва уларнинг шрнини алмаштириш билан ҳам характерланади: хинд афсонасидаги кшп қшлли худо, етти бошли аждарлар ва шу қабилар.

#### **Мунозарали савол. Схемалаштириш нима?**

**Эса сақланг!** Фантазия тимсолларини яратиш мумкин бўлган йшлардан бири нарсаларнинг қандайдир сифатларини, белгиларини ташкил қилиш, уларга диққатни жалб этишдан иборатдир. Ана шу усул ёрдами билан шртоқлик хазиллари ва аччиқ карикатуралар яратилади. Бундай ҳолда фантазия образлари яратиладиган тасаввурлар қўшилиб кетса, фарқлар йшқолиб кетади, шхшаш томонлар эса биринчи қаторга штиб олади, бу схематизациялашни амалга оширишга ёрдам беради. Схематизациялашга рассомнинг шсимликлар дунёсидан андоза олиб, нақш яратиши яхши мисол бўлади. Ниҳоят, хаёлда тасаввурлар синтези типиклаштириш ёрдами билан амалга оширилиши мумкин. Типиклаштиришдан бадий адабиётда кенг қўлланилади, у орқали бирор жихатдан бир хил бўлган фактларда такрорланадиган муҳим томонлар ажратилади ва улар конкрет образда гавдалантирилади.

Ижодий хаёлнинг шзига хос хусусияти шундан иборатки, у шхшатишларнинг одатдаги йшлини инкор этиб, уларни айна човда санхаткор психикасида ҳукмрон бўлган ҳис-туйбулар, фикрлар, интилишларга бўйсундиради. Гарчи шхшатиш механизмлари шзгармай қолса ҳам, яҳни шхшашлик, изчиллик ёки контраст қарама-қаршилик шхшатишлигича қолсада, тасаввурларни танлаш ана шу сабабий боьланиш тенденцияси билан белгиланади.

Фантазия тимсолларининг пайдо бўлиши киши мияси фаолиятининг натижасидир. Хаёл бошқа ҳамма психик жараёнлар каби катта ярим шарлар шстлоқ қисмининг функцияси ҳисобланади.

**Эслаб қолинг!** Хаёлнинг физиологик асоси муваққат нерв боьланишларининг туташishi ва уларнинг кейинчалик актуаллашишидан (қайта тикланиши, тормозланмай қўйишидан) иборатдир. Агар хотира жараёнларида пайдо бўлган боьланишлар кейинчалик яна тикланса, хаёл жараёнида кишининг ҳаёти давомида ҳосил қилинган боьланишлар системаси гцё емирилади (бузилиб кетади) ва янги системага бирлашади.

Бундай бирлашиш эҳтиёж ёки қандайдир бевосита таассурот орқали мия шстида етарли даражада кучли қшзъалиш манбаини ҳосил қилиш натижасида мумкин бўлади. Шундай қилиб, хаёл қиладиган кишида нерв хужайраларининг группалари, содда қилиб айтганда, янгича боьланади. Фантазия тимсолларининг хотира тимсолларига нисбатан характерли янгилиги ва қисман шхшашлиги ана шунга, яони нерв хужайраларининг янгича боьланишига боьлиқдир.

**Ёдда тутинг!** Хаёл, айтиб штилганидек катта мия ярим шарлари шстлоьининг функцияси ҳисобланади. Шунинг билан бирга хаёл тузилишининг мураккаблиги ва унинг ҳиссиётлар билан боьлиқлиги хаёлнинг физиологик механизмлари фақат мия шстлоьи билан эмас,

балки миянинг чуқурроқ қисмлари билан боълиқ деб тахмин қилишга асос беради. Сшнгги йилларда штказилган тадқиқотлар бу тахминнинг тшърилигини исботлади. Фантазия тимсолларининг таркиб топиши ва уларни фаолият жараёнларига қшшишга мия ярим шарлари шстлоъи билан бирга қатнашувчи миянинг ана шундай чуқур қисмлари гипоталам-лимбик системасидир. (Гипоталамус унинг қадимги шстлоқ ва шстлоқ ости қисмлари билан боъланиши мия стволининг ярим шарларга чиқаверишида, олдинги қисми атрофида «лимб» ёки чегара ҳосил қилади).

Экспериментлар билан шулар аниқланганки, гипоталам-лимбик система зарарланганда, киши психикасида шзига хос бузилиш содир бшлади: одамнинг хатти-ҳаракатлари гшё маҳлум программа билан бошқарилмаётган ва бир-бири билан боъланмаган, алоҳида-алоҳида, шу билан бирга шз-шзича етарли даражада мураккаб ва бир бутун ҳаракатлардан иборатдек тасаввур этилади

Агар ана шундай беморни магазинга юбориб, қшлига нималар олиши ҳақида ршйхат берилса, у бу вазифани етарли даражада пухта бажаради. Лекин ҳарид қилиб бшлгач, сотиб олган нарсалари билан нима қилиши кераклигини тушуна олмайди ва зарур ҳаракатлар ҳақида янги кшрсатма олмагунча ёки унда одатдаги реакция у вужудга келтирадиган қандайдир бир нарсага, светофорнинг яшил рангига тшқнаш келиб қолмагунча, ҳеч қандай мақсадсиз дайдиб юра беради. Бундай беморлар уларга шқиб берилган бир қатор рақамларни ёки китобдан шқиб берилган парчани қайтариб гапириб бера оладилар, лекин улар ҳатто оддий ҳаракат режасини ҳам белгилай олмайдилар ва ҳаракатдан келиб чиқадиган натижани ҳам олдиндан кшра олмайдилар.

Шундай қилиб, мазкур ҳолда хатти-ҳаракатни режалаштиришга, келажакдаги ҳаракатларнинг программасини тузишга жавобгар бшлган миянинг структураси зарарланган деб тахмин қилиш мумкин. Юқорида кшрсатиб штганимиздек, хаёлнинг энг оддий, кундалик, лекин эҳтимол, шунинг билан бирга энг муҳим роли айна шу хатти-ҳаракат режасини, программасини ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Ёдда тутинг!** Инсон мияси фантазия ишлаб чиқарган тимсол шаклларга ва организмнинг периферик қисмларига бошқарувчи таҳсир кшрсатиб, уларнинг ишлаш жараёнини шзгартириб юборади. Ҳали шрта асрлардаёқ кишини хайратда қолдирадиган факт маҳлум эди; айрим одамларда, кшпроқ асаб бузилиши (истерия)ни бошдан кечирган одамларда (инжилдаги афсонага кшра, Исо пайъамбар крестда бошидан кечирган азоб-уқубатлар ҳақидаги фикрлардан сшнг) қшл ва оёқларнинг кафтида қон талаб кшқарган ва ҳатто яра пайдо бшлган. Бундай белгилар «стигмалар» деб ном олган (грекча «стигма» деган сшз «чандик», «белги» деган маҳнони англатади).

Таосирчанлиги ва хаёлга бойлиги билан ажралиб турадиган айрим одамларни кузатиш ҳам хаёлнинг физиологик жараёни кечишига таъсири ҳақида қизиқ маълумотлар беради.

**Мунозарали савол.** Хаёл жараёнининг бузилиши қандай оқибатларга олиб келади?

**Эҳтибор беринг!** Психик фаолиятнинг айрим бузилишлари ҳам шзининг келиб чиқиши жиҳатидан ҳаддан ташқари таҳсирланувчан ва тетик хаёлга боълиқдир. Баҳзан ана шундай касалликка обрщли кишининг айтган сщзини нотщъри тушуниш ҳам бевосита сабаб бщлади. Шундай ҳоллар маҳлумки, врачнинг эҳтиётсизлик билан айтган сщзининг таҳсирида даволанишга келган киши оъир касаллик билан оъриб қолган бщлсам керак, деб хаёлдан щтказади ва унда бу касалликнинг тегишли аломатлари ривожлана бошлайди. Ятроген деб аталадиган *касалликлар* юзага келади. Щқитувчининг педагогик жиҳатдан ношщя хатти-ҳаракатлари ва унинг эҳтиётсизлик билан айтган сщзи ҳам щқувчини ҳақоратлантириши ва унда фантастик қщрқув ҳиссини юзага келтириши мумкин. Баҳзан дидактоген деб аталадиган нерв касалликлари ана шундай юзага келади.

*Идеомотор* деб аталадиган актлар (ҳаракатлар) ҳаммага маҳлум. Киши бирор ҳаракатни тасаввур қилиши билан ана шу ҳаракат пайдо бщлади.

Қуйидаги тажрибани қилиб кщриш мумкин. Одам қщлида маятник ушлаб турибди, дейлик. Маятникнинг ипагига эркин осилиб турган юк боълаб *қщ*-йилган. Синовчига юкнинг концентрик доира бщйлаб ҳаракат қилаётганини якқол тасаввур қилиш тавсия этилади. Вир оз вақт щтгандан сщнг ҳақиқатан ҳам шундай ҳаракат қила бошлайди. Ҳаракатни якқол ва ёрқин тасаввур қилиш онг қайд қила олмайдиган мускуллар зщр беришни юзага келтиради, булар маятникни айланма ҳаракатга солади

**Ёдда тутинг!** Томирлар системасининг реактивлиги идеомотор актларга таосир қилади. Масалан, киши қщлини букаман деб турганда, хатто щйланган ҳаракат амалга оширилмаса ҳам, билагининг ҳажми катталашади. Билак ҳажмининг бутунлай катталашуви қщл мускуллари қон томирларининг кенгайиши билан боълиқдир. Қон юришининг кщпайиши, албатта, реал ҳаракат пайтида фойдалидир, чунки мускулларни кислород ва глюкоза билан яхшилаб таҳминлайди, ҳамда, шунинг билан бирга, модда алмашилишида маҳсулотларни чакириб ташлашга ёрдам беради. Агар кишига щзининг оъир юк кщтараётганини тасаввур қилиш тавсия этилса, тасаввур қилаётган кишининг

мускуллари кучсиз таранглашади ва электр активлиги пайдо бўлиб, мускулларнинг биотоклари ёзиб олинади. Киши қанчалик кўп юк кўтараяётганини тасаввур қилса, мускуллари шунчалик таранглашиб, электр активлигининг интенсивлиги шунчалик ортган бўлар эди. Киши юқорига, пастга ёки бирор томонга қараяпман деб тасаввур қилган пайтда худди юқоридаги каби кўз мускулларида активлик пайдо бўлади. Сўнгги йилларда биотоклар билан бошқариладиган бир қатор асбоблар пайдо бўлди.

Фантазия тимсолини етказиб берувчи мия - якка-ёльиз системадир унинг бирон-бир қисмида юз берган ўзгариш унинг бошқа бўлимлари ишига таосир қилади. Яхлит нарса сифатидаги мия инсон танасининг барча аҳзоларига таъриловчи таъсир кўрсатади. Негаки психик жараён организмнинг ҳаёти фаолиятида у ёки бу ўзгаришга олиб келмоқда. Ўз навбатида ҳаёл бошқа психик жараёнлар каби киши организмнинг кўплаб системалари ишига анчагина таосир кўрсатади.

## АДАБИЁТЛАР

1. Бозиев Э. Тафаккур психологияси. Т. Ўқитувчи. 1990.
2. Бозиев Э. Психология. Т. Ўқитувчи. 1994.
3. Петровский А.В. Умумий психология. Т. Ўқитувчи. 1992 й.
4. Каримова В. «Психология» Т. 2002 й.
5. Немов. Р.С. «Психология» М. 1999 й.
6. Рубинштейн. С.Л. Основы общей психологии М. 1998 й.